



ДАЛА ЧЕТЛАРИДА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев дала четларида маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг устувор вазифаларини белгилаб берди.

Бу ҳақда жорий йил 23 март куни қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича бўлиб ўтган йиғилишда топшириқ берилган эди. Шундан сўнг Кадастр агентлиги томонидан ўтказилган хатловда 60 минг гектарга яқин дала четларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани аниқланди. Хисоб-китобларга кўра, бу майдонлардан унумли фойдаланиш орқали 337 минг тонна қўшимча маҳсулот олиш имконияти бор.

Ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш юзасидан янги фармон қабул қилинди

2023 йил 13 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан "2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон имзоланди.

Унга кўра, жисмоний шахсларга ипотека кредити беришнинг замонавий ва барқарор тизимини шакллантириш, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида молиявий ресурсларни жалб қилиш ва кейинчалик уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш мақсади назарда тутилган.

Ипотека кредитлари ва субсидияларни ажратиш тартибига қўйиладиган ўзгаришлар киритилди:

- Банкларга ипотека кредитларини расмий даромадга эга бўлмаган жисмоний шахсларга ҳам ажратишга рухсат этилди. Бунда, ушбу фуқароларнинг тўлов қобилияти уларнинг банк картасидаги айланмаси, ижара, коммунал ва бошқа харажатларини ҳисобга олиш орқали аниқланади;
Банкларга дастлабки бадал миқдори, имтиёзли давр муддати ва бошқа қўрсаткичлардан келиб чиқиб, кредитлар бўйича табақалаштирилган фозиз ставкаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилди. Бунда, дастлабки бадални кўпроқ тўлаган фуқаро арзонроқ кредит олиш имконига эга;
Субсидияга ажратилган маблағларни тезроқ ишлатиш учун, субсидия хабарномасининг амал қилиш муддати 12 ойдан 4 ойга туширилди. Бунда, фуқаро 4 ойда сертификатдан фойдалана олмаса, у субсидияга қайта ариза топшириши мумкин;
Иқтисодиёт ва молия вазирлигига Халқаровар комиссияларининг ҳулосасига асосан хато ажратилган субсидия сертификатларини тўғридан-тўғри бекор қилиш ва тўловларни тўхтатиш ҳуқуқи берилди.

Қурилиш ташкилотлари учун имтиёзлар:

- қурилиш ташкилотларига кўп квартиралли уй-жойларни қуриш учун 18 ойгача муддатга 14 фозиз ставкада кредитлар ажратилади;
пудрат ташкилотларига қурилаётган уй-жойларни қаватма-қават гаровга қўйиш ва хар битта қават учун кредит олиш ҳуқуқи берилди (ҳозирги кунга қадар уй томи ёпилганидан кейин уни гаровга қўйиш ва кредит олиш мумкин эди);
Банклар ўз ҳисобидан берадиган кредитларини давлат томонидан қайта молиялаштириш амалиётини давом эттирилади.

уруғ, кўчат, ўғит ва сув таъминоти мақсадларига 100 миллиард сўм йўналтирилади.
Етиштирилган маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш ҳам муҳим. Шу боис қуриштириш ва совитиш ускуналарини харид қилишга 50 миллиард сўм ажратилади.
Дала четларида зовур ва сув бўйларига 600 минг бош парранда боқиш ҳамда қарийб 300 мингта асалари уяси жойлаштириш имконияти белгиланмоқда.
Ҳозирда фермер хўжалиқлари томонидан ер майдонлари иккиламчи ижарага фақат 1 йилгача берилди. Тоқ, тут, терак каби дарахлар кўп йилда етилишини ҳисобга олиб, бу муддат 10 йилгача этиб белгиланмоқда.
Давлатимиз раҳбари бу чора-тадбирларни маъқуллаб, унинг ижросини ташкил этиш бўйича қўрсатмалар берди.

Ў.А.

РЕФЕРЕНДУМ КУНДАЛИГИ

19-26 апрель кунлари муддатидан олдин овоз бериш ўтказилади

12 апрель куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда референдумга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси З. Низомхўжаев кириш сўзи билан очар экан, 10 минг 758 та референдум участкалари комиссиялари таркиби қарийб 117 минг нафар аъзодан иборат таркибда тасдиқланганини таъкидлади. Уларнинг 80 фоизи аввалги сайловларда иштирок этган тажрибали вакиллардир. 58 мингга яқини, яъни қарийб 50 фоизи аёллар, 50,7 фоизи ёшлар, 2 мингдан ортиги ногиронлиги бўлган шахслардир.

Мажлисида айрим референдум участкаларида овоз бериш жараёнини видео-трансляция қилиш ҳамда баъзи референдум участкаларида синов тарикасида овоз берувчи фуқароларни биометрик идентификация қилиш қурилмаларидан фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилаш масаласи муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, овоз бериш жараёнини видео-трансляция қилиш тартибидан 2019 йилда парламент сайловларида илк бор қўлланилган. Шундан сўнг 2021 йилда Президентлик сайловида ҳам ушбу тажрибадан самарали фойдаланилган. Референдум участкаларида видеокузатувларнинг ўрнатилиши ҳолилик, очкилик ва шаффофлиқни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мажлисида муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Қонунчилигимизга кўра, Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказувчи участкаларида референдум кунини ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар учун муддатидан олдин овоз бериш ўтказилиши мумкин, - деди МСҚ котибияти раҳбари Худоев Маматов Ў.А. муҳбири Мухтарама Комиловага. - Муддатидан олдин овоз бериш 2023 йил 19 апрель куни бошланиб, 2023 йил 26 апрель куни якунланади. Референдум участкасида муддатидан олдин овоз бериш вақти иш кунлари соат 9.00 дан соат 18.00 га қадар, дам олиш ва байрам кунлари соат 12.00 дан соат 16.00 га қадар бўлиб ўтади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, референдумда илк бор муддатидан олдин овоз бериш тартибидан олдин овоз бериш бўлиб ўтади. Бу фуқароларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларидан самарали фойдаланишлари учун янада кенг имконият яратди.

Шунингдек, мажлисида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар ҳамда ОАВ вакилларини аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Маълум қилинишича, шу кунга қадар Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан МДХ кузатувчилари миссиясидан, Бельгия, Малайзия, Нидерландия, Тожикистон, Қирғизистон, Қозғистон, Ҳиндистон каби хорижий мамлакатлардан жами 30 нафар кузатувчи аккредитациядан ўтказилди.



Бундан ташқари, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг 102 нафар, хорижий оммавий ахборот воситаларининг 11 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди. Эндиликда аккредитациядан ўтказилган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг умумий сони 496 нафарни ташкил этмоқда.

Мажлис давомида референдум ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон, 7-Самарқанд, 13-Қашқадарё округ комиссиялари раисларининг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни юқори ташкилий даражада ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлари ҳусусидаги ахборотлари ҳам тингланди.

Мажлисида кун тартибидан барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Янги Наманган шаҳарчасида қурилиш ишлари жадал давом этмоқда

Наманган вилояти Давлатобод туманидаги Янги Наманган шаҳарчасида қурилиш ишлари жадал давом этмоқда.

Шаҳарча ҳудудидаги 33 та турар жой биноси, 2 та олий таълим муассасаси қуриш учун www.e-auction.uz савдо платформасига чиқарилган бўлиб, савдо якунига кўра, ҳозирда 24 та турар жой объекти ҳамда олий таълим муассасаларини қуриш ишлари бошланган.

Бундан ташқари шаҳарча қурилишининг иккинчи босқичида 14-, 15-, 16-, 17-лотларда 5 гектар ер майдонида Ибрат номидagi хорижий тиллар университетини барпо этиш учун вилоят ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинди.

Олтинчи лот ҳудудидаги 0,6 гектар ер майдонида эса Наманган муҳандислик-технология институтининг талабалар турар-жойи ташкил этилади.

Бугунги кунда ташаббускор қурувчи корхоналар томонидан дастлабки ишлар бошланган. Хусусан, кўп қаватли турар-жой бинолари қуриладиган ер майдони остида заҳоб сувлари қочирish мақсадида зовурлар қовлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Янги Наманган шаҳарчасида 3,2 километр автомобиль йўлининг қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб боришмоқда. Ҳозирги кунга қадар ер ишлари, йўлнинг ўнг ва чап қирғоқларига бетон лотоклари ўрнатиш тўлиқ бажарилган. Бундан ташқари, йўлнинг иккига ажратувчи қисмига бетон қопламалар ётказилиб, 1300 метрига бетон қуйилди.



Суратларда: Наманган вилояти Давлатобод туманидаги Янги Наманган шаҳарчасида қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Хотан МАМАДАЛИЕВ (Ў.А.) олган суратлар.

- Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шароитлар яратади.
- Ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмас.
- Ҳар ким Ўзбекистон бўйлаб эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга.
- Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас.
- Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга у кўрган зарарларнинг ўрни олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади.
- Ҳар ким давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари тўғрисида тўғри қарорнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга.

47-модда.

Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади.

Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади.

Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланади.



Konstitutsiya

Бахтиёр УСМОНОВ,
“O'ZGASHKLIT” лойиҳа институти директори ўринбосари:

– Бош Қомусимиз Ўзбекистон халқи учун кенг имкониятлар ва порлоқ келажак эшигини очиб бераётган олтин қазини бўлиб, барча-миздан шу қонун асосида қабул қилинган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мукамал ўрганиб, ўзлаштириб, уларга амал қилиш орқали ҳуқуқий маданиятимизни юксалтириб боришни талаб қилади. Бу эса мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлатни қуришнинг энг муҳим талабидир.

Дарҳақиқат, бу дегани мамлакатимизда барча одамларнинг салоҳиятини юзага чиқариши учун тенг шароит, халқимиз фақат келажакда эмас, бугун ҳам яхши яшаш йўлида кенг имкониятлар яратилишидан далолатдир. Ана шундай эзгу гоғлардан бири сифатида бугунги кунда аҳолини арзон уй-жой билан таъминлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини айтиш мумкин. Хусусан, бу борада 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурига асосан амалга оширилган ишлар эътиборга молик. Дастур доирасида янгиланган лойиҳалар бўйича 53 мингдан зиёд арзон уй-жойлар қурилди, 65 минг оиланинг яшаш шароити яхшиланди. Бундан ташқари, ушбу тоифадаги уй-жойларни сотиб олиш имкониятини кўпроқ одамларга тақдим этиш мақсадида жорий йил учун уларнинг сонини 1,5 баробарга ошириш ва 9 минг квартира ҳамда яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш режалаштирилган.

Бу эзгу мақсадни амалга оширишда биз лойиҳа ташкилотлари вакиллари ҳам ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиляпмиз. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламдаги қурилиш бунёдкорлик ишлари энг аввало, мукамал лойиҳа мақсули десак, адашмаган бўлаемиз. Шу боис, шаҳару қишлоқларимизнинг замонавий қиёфасини яратиш ва бу орқали аҳолини янада қулай яшаш шароити билан таъминлаш бугунги кунда биз мутахассислардан ҳам катта масъулият талаб қилмоқда. Энг муҳими, бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, янада кўпроқ ва кенгроқ имконият яратиш масаласи янгиланаётган Конституциямизда ўз аксини топаётгандир. Биз ҳам ўз навбатида барча юртдошларимизни бу муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этишга чорлаб қоламиз.



Шохруз ОЙДИНОВ,
Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи:

– Охириги йилларда қурилиш соҳасида шаффофликни таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали коррупцияни бартараф қилиш мақсадида бир қатор электрон тизимлар ишга туширилиб, тендер савдоларида инсон омилнинг иштироки қисқарди. Бу ўзгариш соҳада ҳолислик ва адолатни шакллантирди. Бундан ташқари, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш мақсадида турли имтиёз ва субсидиялар берилиши тўғрисида кам таъминланган аҳоли қатлами учун ўз турар жойига эга бўлиш имкони яратилди. Минглаб фуқаролар ватанли бўлди. Шунингдек, ёш оилалар учун қулайлик яратиш мақсадида арзон ва шинам уй-жойлар қуриш дастури ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Давр янгиланар экан, замон билан ҳамнафасликни тақозо этади. Қонунлар устуворлиги таъминланган бош Қомусимиз янги талқинида янада халқчил ва ҳолис, фуқаролар манфаатини ўзида мужассамлантирган билан аҳамиятлидир. Жумладан, янгиланаётган Конституциянинг 39-моддасига ижтимоий ҳимояга оид қўшилаётган янги бандларда давлат ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд ва кам таъминланган, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни қонунда белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлаш белгиламоқда. Ушбу банддан кўриш мумкинки, юртимизда ижтимоий ҳимоя янада мустаҳкамланиб, кам таъминланган, эҳтиёжманд аҳоли доимий давлат ҳимоясида бўлади.

Фуқаролар манфаати илгари сурилаётган Конституция халқимиз орзу мақсадларини ўзида ифода этар экан, эл-юрт келажиги, тақдирини бефарқ бўлмаган ҳар бир ҳамюртимиз референдумнинг фаол иштирокчисига айланади, деб уйлайман.




Аҳмадали ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги 33-сонли “ХМКК” МЧЖ раҳбари:

– Янги тахрирдаги Конституция лойиҳасининг 47-моддасида ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга номувофиқ ҳолда уй-жойидан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги белгиламоқда. Бу эса фуқароларимизнинг шу масалада йиллаб сарсон-саргардон бўлишига чек қўяди ва “снос” билан боғлиқ барча муаммоларга барҳам беради. Эътиборли жиҳати шундаки, энди фуқароларнинг уйи фақат суд қарори асосида олиб қўйилиши мумкин ва аввалдан компенсациянинг ярми тўланади. Бу ўзгаришлар юртдошларимизни азалдан қийнаб келаяётган муаммолардан эканлиги билан аҳамиятлидир.

Биламизки, кейинги даврда республикамизда қурилиш қўламининг ортиши “снос”лар билан боғлиқ муаммоларни юзага келтирди. Фуқароларнинг давлат эҳтиёжлари учун деб олиб қўйилган ҳовлилари ўрнида кўп қаватли уйлар қурилди. Аммо уйи бузилганларнинг аксарияти тўлиқ рози қилинмади. Қурилиш сабаб айрим фуқароларнинг уйига етказилган зарарлар ҳам қоплаб берилмади. Оқибатда қурувчилар ва фуқаролар ўртасида келишмовчиликлар содир бўла бошлади. Шу сингари ўз ечимини қутаётган масалалар бундан буён янги тахрирдаги Конституция тўғрисида тўлиқ барҳам топиши кафолатланмоқда.

Шуни ҳам айтиш жоизки, янгиланаётган Конституциянинг қўпгина моддаларида давлат уй-жой қурилишини рағбатлантириши ҳамда уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратиши назарда тутилган. Бу жиҳатдан, сўнги йилларда пойтахт вилоятининг Чиноз туманида 100 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш ишлари амалга оширилди, барча ички йўллар тўлиқ таъмирланди, маҳаллаларга ичимлик суви етказилди. Бундан эса биринчи навбатда аҳоли мамнун бўлмоқда.

Мен ҳам шу юртининг бир фуқароси сифатида янгиланаётган Конституциямизга бефарқ эмасман. Чунки ҳаётим, фарзандларим, набираларимнинг келажиги ана шу Қомус билан ҳуқуқий кафолатланган. Шу боис, 30 апрелда бўладиган референдумга барча ишчи-хизматчиларим билан фаол қатнашишни мақсад қилганман.





O'zimizniki

Элшод ҚОДИРОВ,
СамДАҚУ ўқитувчиси:



– Мамлакатимизда рўй бериши кутилаётган муҳим сиёсий жараён – янгиланаётган Конституция буйича тарғибот тадбирлари университетимизда ҳам катта тайёргарлик билан ўтказилди. Зеро, жамиятимизда содир бўлаётган ҳар қандай янгиллик ва ўзгаришлар энг аввало, биз ёшларнинг, қолаверса, бутун халқимизнинг фаровонлиги, тинчлиги ва келажақда бундан юксалиши учун ташланаётган яна бир муҳим қадамдир. Бу ислохотлар фақатгина сиёсатда эмас, балки таълим жараёнларида ҳам ўз аксини топаётгани қувонарли. Буларнинг барчасидан кузланган мақсад эса ягона – яъни, инсон қадрини унинг таълим олишига асосланган.

Қолаверса, юртимизда сўнгги йилларда бўлаётган бу ўзгаришлар жамиятнинг ҳар битта қатламида рўй бераётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Хусусан, янгиланаётган Конституцияга киритилаётган ўзгаришларда ҳам айнан ёшлар масаласига катта эътибор қаратилади, уларга янада кенг имкониятлар тақдим этиляпти. Демак, келгусида ютуқларимиз янада кўп бўлади. Шундай экан, ҳар томонлама ривожланаётган юртимизда Бош Қомусимизнинг янгиланаётгани ҳам замон талаби деб ўйлайман. Ўқитувчи сифатида шаҳсан мен бу янгилликларга бефарқ эмасман. Ўзим ҳам бир пайтлар шу университет талабаси бўлганман. Ёшларга айнан нималар кераклиги, уларни қандай муаммолар қийнашини яхши ҳис қиламан. Шу боис, бу ёшларга берилаётган кенг имкониятлар Конституцияда қатъий белгилаб қўйилаётгани мен каби барча ёшларни қувонтирмакда.

Ҳасан БОБОЖОНОВ,
Бухоро архитектура ва қурилиш техникуми директори:



– Сўнгги йилларда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси шиддат билан ўзгармоқда. “Инсон қадрини унун” тамойили асосида халқимиз фаровонлигини янада ошириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда кучли фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган изчил ислохотлар давлат сиёсатининг ўзгариши ташкил қилляпти.

Халқимизда ҳар қандай катта ишни бошлашдан олдин кўпчилик билан маслаҳат қилиш одат тусига кирган. Бош қонунимизга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш борасида ҳам айнан шундай йўл тутилди. Президентимиз таъбирига кўра, Конституцияни янгилашдек ғоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда етти марта эмас, етти марта ўйлаб, халқ билан ҳар томонлама маслаҳатлашган ҳолда, ички ва ташқи илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, аниқ қарор қабул қилиш зарур. Муҳокамалар натижасида Конституцияимизнинг 76 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар билан бирга 15 та янги модда ва битта янги боб киритилмоқда. Лойиҳада фуқаролар томонидан тақдим қилинган 160 мингга яқин таклифлардан ҳам кенг фойдаланилган. Фуқароларимизнинг лойиҳа муҳокамасидаги кенг иштироки туфайли Бош қонунимиз чиндан ҳам халқ Конституцияси бўлади. Бу эса, халқнинг фаровон ҳаётини таъминлаш, эртага ҳар бир юртдошимиз Конституция билан фахрланиши, “Бу менинг Конституциям” деб гурурланиши учун амалга оширилаётганини англашимиз зарур.

Айниқса, янгиланаётган Конституцияимизда ёш авлоднинг тўлақонли таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратилаётгани барчамиз учун қувонарли. Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида бизнинг техникум ўқувчилари ҳам ҳисса қўшаётганидан фахрланамиз. Зеро, юртимизда ҳар бир ёшнинг таълим олиши ва хунара эгаллаши давлатимизнинг доимий эътиборидир.

Янгиланаётган Бош Қомус жамиятимизда инсон қадрини улуғлайди

Ойнисо АМИРОВА, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш кафедраси ўқитувчиси.

Мамлакатимизда йирик сиёсий жараён – Конституциявий ислохотлар амалга оширилмоқда. Янгиланаётган Бош Қомус жамиятимизда инсон қадрини улуғлаш, халқимиз учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадини кўзлаши билан аҳамиятлидир.

Янги таҳрирга асосан, Ўзбекистон Конституциясидаги моддалар сони ҳозирги 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага оширилляпти. Умуман олганда, Конституция 65 фоизга ўзгаририлляпти.

Ҳозирги Конституцион ислохотларга бефарқ бўлмаган ҳолда эски таҳрирдаги Конституциянинг 41-моддасига тўхталиб ўтиш жоиз. Таъкидлаш лозимки, амалдаги Конституцияда таълимга оид нормалар биргина ўша моддада акс эттирилган. Янги таҳрирга кўра, 50-51-52-моддалар ушбу соҳага бағишланади.

Жумладан, таълим олиш ҳуқуқи кафолатланиши билан бир қаторда, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланиши бир хилда қўллаб-қувватланиши илк бор расмий асосда мустаҳкамланмоқда. Қолаверса, инклюзив таълим-тарбия атамасининг конституцияда акс этиши эътиборга молик. Инклюзив таълим, бу шундай таълим-тарбия жараёни, унда боланинг жисмоний, рухий, ақлий, сенсор муаммоларидан қатъи назар мос шароитлар яратилган мактабларда ўз тенгқурлари билан бирга таълим олиш демакдир.

Энг асосий ўзгариш ўқитувчиларнинг мақоми билан боғлиқ. Яъни, 52-моддага аввал бўлмаган янги норма киритилмоқда. Унга кўра, ўқитувчиларнинг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг

асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиши, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлигини, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади. Ушбу нормаларнинг конституцияга киритилиши замонавий ўзбек педагогикасида янги даврни бошлаб бериши шубҳасиз.

Ушбу моддаларга киритилаётган янги нормалардан бири – истеъдодли ёшларнинг моддий аҳолидан қатъи назар таълим олишларини давом эттиришларини давлат ўз зиммасига олаётганлигидир. Маълумки, янги Конституцияда концептуал ўзгариш ясаётган нормалардан бири – мамлакатимизни “ижтимоий давлат” деб эълон қилинаётганидир. Ижтимоий давлатнинг асосий белгиларидан бири жамиятда ижтимоий адолат ва ижтимоий тенгликнинг таъминланганлигидир.

Янги таҳрирдаги Конституцияга киритиш таклиф этаётган давлатнинг ижтимоий эканлигини, мактабларда инклюзив таълимнинг ташкил этилиши ва ривожланиши, ўқитувчиларнинг мақоми, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиши, барча турдаги таълим муассасалари ривожланиши учун давлат тенг шароит яратиб бериши тўғрисидаги нормаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, янгиланаётган Конституция истеъдодли ёшларни энг яхши таълим муассасаларида, у ҳоҳ хусусий бўлсин, ҳоҳ давлатники таълимни давом эттиришлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бахтиёр МИРЗО,
Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти катта ўқитувчиси:



– Айни пайтда юртимизнинг барча ҳудудларида ва кенг халқ оммаси орасида Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар буйича референдумга бағишланган тарғибот тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Институтимиз ўқитувчи-профессорлари ва талабалари ҳам бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Бугун юртимизда шаҳарсозлик ва урбанизациянинг ривожланиши, аҳолининг демографик ўсиши одамларни уй-жойга бўлган эҳтиёжини янада ошираётгани бор гап. Тараққиётнинг бу омилни инобатга олмадан жамият фаровонлигига эришиб бўлмайди. Афсуски, бу масала Ўзбекистонда узоқ йиллар ўз ечимини топмай келди ва аҳолининг уй-жойга бўлган кучли эҳтиёжини кун тартибига олиб чиқди. Бу борадаги муҳим ишлар сўнгги беш йилликда амалга оширила бошланди. Эндиликда ҳар кимнинг уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқининг Конституцияда алоҳида модда билан мустаҳкамлаб қўйилиши Ўзбекистонни ижтимоий давлат бўлаётганини тасдиқлайди.

Тан олиб айтиш мумкин, аҳоли узоқ йиллар ўз уй-жойининг турли важлар билан асоссиз бузилишидан, ер участкасининг олиб қўйилишидан кўрқиб қолган эди. Айниқса, катта йўл бўйида яшовчи аҳолини “бизнинг уйимиз қачон бузилар экан деган ўй” қийнар эди. Энг ачинарлиси, бузилишига (сносга) тушган уй-жойларга, олиб қўйилаётган ер участкаларига компенсация берилмаслиги ёки “қоқи баҳода” ҳисоб қилиниши эди. Янги Конституцияда “уй-жойдан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олинган ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади” деб белгилаб қўйилмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда инсон қадрининг янада улуғланаётгани ва халқимиз фаровонлиги ошишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бир сўз билан айтганда, янгиланган Конституция жамиятимиз ҳаётининг барча йўналишларини комплекс тартибга солиш ҳамда мамлакатимизни демократик ривожлантириш йўлида энг муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

